

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ФИЛИЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ ЎЗБЕК ТИЛИ ЙЎАЛИШИ IV КУРС 402-
ГУРУҲ ТАЛАБАСИ**

ЯХШИБОЕВА МАФТУНАНИНГ

«ТИЛШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН

«ТИЛ БИРЛИКЛАРИ»

МАВЗУСИДАГИ

РЕФЕРАТИ

НАМАНГАН-2012

Аннотация

Ушбу мустақил ишлар бўйича реферат филология факультети 5120101-ўзбек тили йўналиши IV босқич талабаси ЯХШИБОВЕВА МАФТУНА томонидан тайёрланган. рефератда энг қадимги тилшунослик таълимотларидан тортиб, XI асргача бўлган тилшунослик назариясига доир муҳим маълумотлар бор. Курс ишида тилшунослик назарияси фани, жаҳон тилшунослиги тарихининг асосий босқичлари, етакчи йўналишлари, мактаблари, таълимотларидан келиб чиқадиган Тил ва нутқ бирликларининг хусусиятлари ҳақидаги илмий-назарий маълумотлар берилган.

ТИЛ БИРЛИКЛАРИ

РЕЖА

- 1. Тил ва нутқ бирликлари**
- 2. Фонология ва унинг бирлиги**
- 3. Морфема ҳақида тушунча**
- 4. Сўз ва лексема**
- 5. Гап ва унинг белгилари**
- 6. Хулоса.**

Тил ва нутқ бирликлари

Тилнинг ички тузилишини тил бирликларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тил бирликлари ҳар қандай тилнинг таянчи, у орқали иккинчи сигнал системаси ҳисобланувчи тил мавжуд бўлади. Тил бирликларисиз тил тузилишининг мавжуд бўлиши мумкин эмас.¹ Тилнинг функцияланиш жараёнида тил бирликларидан нутқий ҳосилалар вужудга келади.

Шу кунга қадар тилшуносликда тил бирликларини деярли барча тилшунослар эътироф этса ҳам, лекин қайси бирликлар тил бирликлари ҳисобланиши юзасидан турли-туман фикрлар юритилади.

Хусусан, Америка дескриптив тилшунослигида тил бирликлари сифатида фонема, морфема ва конструкциялар эътироф этилади.¹ Морфема атамасисўзнинг қисмлари (ўзак ва қўшимчани) ҳам маъноли қисмларга бўлинмайдиган мустақил сўзларни ҳам, ёрдамчи сўзларни ҳам қамраб олади.²

Фонема тилнинг ифода системасининг минимал бирлиги, морфема эса тилнинг ифода системасининг маъно билан боғланган асосий бирлиги сифатида баҳоланади. Уларнинг фикрича, тилнинг қолган бирликлари морфемалар қўшилиувидан (аранжировкасидан) ҳосил бўлади. Шунинг учун улар тил сатҳида қўшилиш моделларига эга бўлади. Ана шу қўшилиш моделлари конструкция ҳисобланади.

Бошқа тилшунослар эса фонема, морфема, лексема, сўз ва гап (гапнинг структур схемалари)ларни тил бирликлари қаторига қўшадилар ва тил бирликларини икки гуруҳга ажратадилар: а) тилнинг асосий бирликлари (фонема, морфема), б) тилнинг конструктив бирликлари (сўз, гап).

Ш.Раҳматуллаев тил бирликлари юзасидан баён қилинган фикрларга ўзининг муносабатини билдирган ҳолда, фонема, лексема, морфема, лексемашакл, бирикма шакл (сўз бирикмаси қолипи), гап шакл (гап қолипи), фраземаларни ажратади. Булардан фонема тил бирликларининг қурилиш бирлиги, лексема ва морфема тилнинг бирламчи (асосий) бирликлари, лексемашакл, бирикма шакл, гап шакл (тузма) бирликлар, фразема эса йирик тил бирлиги ҳисобланади. Муаллиф фонемани тил бирлигининг ифода жиҳати бўлиб келувчи ва шу жиҳати билан тил бирликларини ўзаро фарқлашга хизмат қилувчи бирлик сифатида тушунилади. Ш.Раҳматуллаевнинг бу бирликларни ажратиши учун тил сатҳлари асос бўлади. Муаллиф *лексема* атамаси остида лексик маъно ифодаловчи морфемани, *морфема* атамаси остида эса фақат грамматик маъно ифодаловчи ва сўз ясовчи морфемаларни тушунади.¹ *Морфема* атамасини ана шундай тор маънода қўллашни А.Мартине ҳам таклиф қилган эди.²

Ҳар қандай тил бирлиги нутқ жараёнида бир қанча нутқ бирликлари (вариантлар) орқали намоён бўлади: фонема фонлар (аллофон, товуш) орқали, лексема лекс (аллолекс, лексема варианты), морфема морф (алломорф, морфема варианты), сўз сўз шакли, гап жумла, аллофразема орқали намоён бўлади.

Фонология ва унинг бирлиги

Фонологиянинг бирлиги фонемалардир. Фонема грек тилидаги *товуш*, *овоз* маъносини англатувчи тил товуш қаторининг бирлиги. Фонема - сўз ва морфемаларни шакллантирадиган ва уларнинг маъноларини фарқлаш учун хизмат этувчи, бошқа майда бўлакка бўлинмайдиган тилнинг энг кичик товуш бирлиги. Фонемалар ҳақидаги таълимот

¹ Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. М., 1971, с.140.

¹ Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. М., 1959, с. 40-43. Яна қаранг. Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. Тошкент, "Ўқитувчи", 1993, 12-б.

² Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. Тошкент. "Университет" 2002, 16-б.

¹ Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. Тошкент, 2002, 16-бет.

² Мартине А. Основы общей лингвистики. Новое в лингвистике. Ш, М., 1969, с.379.

фонологиядир. Фонология маълум бир тилдаги фонемалар системасини, уларни фарқлаш белгиларини ўрганади.

Фонеманинг мақоми масаласида хилма-хил қарашлар бор. Фонема тилнинг энг кичик бирлиги эканлиги ҳақидаги дастлабки маълумот И.А.Бодуэн де Куртенэга мансубдир. Лекин бунгача шарқ тилшунослигида гарчи фонема термини билан номланмаган бўлса ҳам, лекин маъно фарқлаш учун хизмат қиладиган энг кичик товуш типи ҳақидаги тушунча мавжуд эди. Ҳинд тилшунослари, туркийшунослар бу тушунчага алоҳида аҳамият берганлар. Хусусан, Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар товушнинг маъно фарқлари томонига катта аҳамият берганлар.

Фонема термини тилшуносликка Бодуэн де Куртенэ томонидан киритилди. Бодуэн де Куртенэ 1870 йилдаги «XIX асргача бўлган қадимги поляк тили ҳақида» номли магистрлик диссертациясида фонема ҳақида фикр юритади ва уни этимологик – морфологик бирлик сифатида талкин этади. Бодуэн де Куртенэнинг фонема ҳақидаги бу концепцияси унинг шогирди Н.В.Крушевский томонидан ривожлантирилди. Натижада Бодуэн де Куртенэнинг фонема ҳақидаги тушунчаси ўзгариб борди. Хусусан, «Славян тиллари қиёсий грамматикасининг айрим бўлимлари» (1981й) асарида фонемани, бир томондан, «сўзнинг фонетик бўлинмас қисми» ҳисобласа, иккинчи томондан, морфемалар таркибидаги товуш ўзгариш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа майда бўлакка бўлинмайдиган товушларгина эмас, балки морфема ёки сўзнинг таркибида бўлакка ажралмайдиган бир бутун ҳолдаги икки ва ундан ортиқ товушлар ҳам фонема бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бу билан у фонемага фонетик бирлик сифатида эмас, балки этимологик бирлик сифатида қарашини намоиш этди. Шу билан бирга худди шу ернинг ўзида фонеманинг қуйидаги икки фарқли томони борлигини ҳам кўрсатади:

1) антропофоник (яъни акустик- артикуляцион) хусусиятларнинг оддий умумлашмаси, морфеманинг ҳаракатланувчи компоненти;

2) маълум морфологик категория белгиси.

Шундай қилиб, Бодуэн де Куртенэ фонеманинг морфологик аспектдан фарқ қиладиган антропофоник аспекти ҳам борлигини эътироф этди. Кейинчалик эса у ўзининг фонема ҳақидаги тушунчасини ўзгартирди ва унга психологик нуқтаи назардан ёндашди.

Морфема ҳақида тушунча

Морфема грекча *morphe* – *шакл* маъносини билдирувчи тилнинг асосий бирликларидан бири. Маълум фонетик шаклга (ифодаловчига) аниқ маъно (ифодаланмиш) тенг келадиган минимал бирлик сифатида бошқа шу турдаги бирликларга ажралмайди. Морфема нутқий матнни икки томонлама – тилни белгиларига ажратувчи биринчи бўлинишнинг (А.Мартине) маҳсули сифатида ўзи билан муайян бир иерархик қаторга жойлашган ва бир томонлама формал бўлиниш саналган иккинчи турдаги бўлинишнинг маҳсули бўғиндан фарқ қилиши билан характерланади.

Л.В.Шчербанинг таъкидлашича, тилшуносликка “морфема” атамасини И.А.Бодуэн-Куртенэ олиб кирган. У бу атама орқали сўзнинг энг кичик маъноли қисмини белгиллаган. Унинг фикрича, узвий боғлиқ муайян нутқ гапларга ёки ибораларга, гаплар сўзларга, сўзлар морфологик бўғинлар ёки морфемаларга, морфемалар фонемаларга бўлинади. У Н.Крушевский илмий қарашлари таҳлилига бағишланган асарида “Нутқни гапларга, гапларни сўзларга, сўзларнинг морфологик бирликларга бўлинишига қарши фикр юритиш мумкиндир... Аммо морфологик бирликда (Куртенэ уни “морфема” деб номлайди) бу бўлиниш тугайди”.

Тилшуносликда дескриптивистларнинг қарашлари билан боғлиқ морфеманинг яна бир талқини учрайди. Ушбу кенг тарқалган талқин бўлиб, уларнинг таълимотларида “морфема” атамаси фақат сўз қисмларинигина эмас, балки сўзларни ҳам белгилайди. У сўзларнинг таҳлилидагина эмас, балки морфемаларнинг турлича бирикувлари сифатидаги сўз бирикмалари ва гапларнинг таҳлилида ҳам ишлатилади. Бунинг натижасида сўз

тушунчасини грамматик таҳлилдан чиқариб ташлаш ва морфемани тилнинг асосий бирлиги сифатида белгилаш тенденцияси вужудга келди.

Морфемани бундай тушуниш Ф.де Соссюрдан бошланган. Унинг таъкидлашича, туб ва бўлинмас бирлик бўлган ҳар қандай сўз ибора аъзоси, яъни синтактик фактдан фарқ қилмайди: уни ташкил этувчи сатҳ бирликларининг тартиби сўз бирикмалари ҳосил қилишнинг асосий тамойилларига бўйсунди.

Шунга асосланиб тил бирликларининг систем хусусиятларини кўриб чиқишда “морфема” атамасини у белгилаган бирликларни тилнинг бошқа бирликларидан фарқлаш мумкин бўлган нуқтаи назардан қўллаш керак.

В.М.Солнцев морфема атамасини турли манбаларда бир-биридан фарқ қилувчи муайян белгилар асосида ажратилишини ҳисобга олиб, уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича изоҳлашни таклиф қилади:

1) Вандериес морфемаси учун асосий характерли жиҳат ёрдамчиликдир, яъни морфема сифатида тилнинг оҳанг, урғу ва бирликларнинг жойлашиш имкониятини эътиборга олувчи воситалар тушунилади;

2) Блумфилд морфемаси учун асосий хусусият минималликдир: морфемалар тил системасидаги ўрни ва бошқа бирликларга бўлган муносабатидан қатъий назар, энг қисқа, маъноли қисмлардир;

3) Бодуэн морфемалари учун энг характерли томон уларнинг тил системасидаги ўрни ва бошқа бирликларга муносабати асосидаги минималликдир: морфемалар сўзнинг минимал маъноли қисмларидир.

Г.Пауль маъноли сўзлар фақат морфемаларнинггина эмас, балки барча турдаги ёрдамчи сўзларнинг ривожланиши учун асосдир. Унингча, предлог ва боғловчилар мустақил сўзлар асосида юзага келади.

Турк ва фин-угор тилларининг структурасини тадқиқ қилиб, Б.А.Серебряков муайян хулосага келади ва сўз ҳамда сўз бирикмаларининг тарихий ўзгаришини таҳлил қилиш асосида уч хил категорияни ажратади:

- а) лексик маъноли сўзлар;
- б) сўз-қурилмалар (конструктлар);
- в) морфемалар.

У морфемаларнинг тарихан тўла лексик маъноли сўзлар бўлганлигини, ҳозирда бу имкониятини йўқотганини кўрсатиб ўтади.

Морфемага нисбатан сўзнинг бирламчилиги замонавий тилларда ҳам эътироф этилади, ўз таркибидан морфемаларга ажратилмаган сўзларнинг мавжудлиги ҳақидаги муаммони ўртага ташлаш имконини беради. Сўз ва морфема муносабатларини юқоридаги ҳолда диахрон аспектда ўрганиш улар ўртасидаги муносабатларни синхрон планда текширилганда ҳам етарлича самара беради.

Тил муайян ички тузилишга эга бўлган бутунлик саналиб, унинг сатҳлари ўзаро узвий алоқада эканлиги эътироф этилса, морфемиканинг бирлиги бўлган морфеманинг бошқа сатҳ бирликлари билан чамбарчас муносабатини ҳисобга олиш зарур. Яъни фонетика морфемика билан, морфемика морфология билан узвий боғланади.

Ҳар қайси қуйи сатҳ бирликлари ўзидан бир поғона юқори бўлган сатҳ бирлиги учун материал сифатида хизмат қилади. Ҳар қандай бирлик ўзининг ҳақиқий функциясини юқори сатҳ бирлиги доирасида намоён қилади. Ушбу ҳолат тил тузилишининг кўп сатҳлилиги натижасидир.

Морфемаларнинг синтагматик муносабатга киришуви ижтимоий-руҳий, умумий бирликни – инвариантни реал талаффуз қилувчи, бевосита кузатишда намоён бўлувчи, сезги аъзоларимизга таъсир этувчи маълум вариантлар ҳолида ифодаланишини кўрсатади. Морфемалар ҳам бевосита кузатишда ёндош алломорфларнинг фонетик тузилишига мослашган ҳолда қатор вариантларига эга бўлади. Жумладан, ўзбек тилидаги жўналиш келишигининг тил системасидаги инвариант ҳолати фақат битта морфема (-га) билан белгиланса-да, -га, -ка, -қа, -а сингари вариантлари мавжуд. Бу вариантларнинг ҳар бири

Ўзига хос қўлланиш имкониятига эга эканлиги турлича қуршовларда юзага чиқади. Бу вариантларнинг барчаси тилнинг система – функция муносабатидаги бутунлик эканлигини, инвариант-вариантлик, умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса диалектикасининг тилда намоён бўлишини кўрсатади.

Д.Набиева илмий манбаларда тил ички тузилишини сатҳларга ажратишнинг икки тамойили асосида лексик сатҳ ва унинг бирлигига икки хил нуқтаи назардан қаралишини, тил бирлигига қараб сатҳларга ажратиш тамойилига кўра морфемик сатҳдан сўнг унинг бирлиги лексема ҳисобга олинишини таъкидлайди. Унинг фикрича, лексема алоҳида тил бирлиги сифатида қараладими ёки морфеманинг бир тури сифатида қараладими, бундан қатъий назар, у тил системасида мавжуд ва барча тил бирликлари сингари ўзининг функциялашиш жараёнида имконият ва воқелик, умумийлик-хусусийлик диалектикасини ўзида намоён этади.

Лексема ва сўз

Лексик сатҳ бирлиги лексемадир.

Сўз ва лексема атамалари кўп ҳолларда аралаш ҳолда қўлланади. Лекин улар бир-биридан фарқ қилади. **Лексема** *семема* ва *номемалар*нинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик саналиб, унинг мазмуний мундарижаси аташ, ифода ва вазифавий семалар муносабатидан иборат бўлади. Ҳар қандай лексемада бу семалардан “аташ” семаси албатта иштирок этади. Шунинг учун бу сема лексеманинг марказий семаси, қолган семалар эса чегара семалар ҳисобланади. Масалан, *гапирмоқ*, *дўнгилламоқ* лексемалари бир хил аташ семасига эга бўлиб, ифода семаси билан бир-биридан фарқ қилади.

Бу жиҳатдан **сўз** атамаси лексемалардан бошқа бирликларни ҳам, яъни аташ семасига эга бўлмаган бирликларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, *аммо*, *учун* сўз, лекин лексема эмас. Чунки уларнинг аташ семаси мавжуд эмас. Факт грамматик маънога эга. Демак, сўз грамматик маънога эга бўлган лексемаларни ва ёрдамчи, ундов, модал номлари билан юритилувчи бирликларни ўз ичига олади.

Лексема лексик сатҳ бирлиги саналади. У граммаимк маъно ва бу маънони ифодаловчи шаклга эга бўлиб, сўзга, яъни морфологик бирликка айланади. Масалан, *дарахт* “танадан шохланувчи кўп йиллик ўсимлик” аташ семасига эга бўлиши билан лексема. Бу лексема отлик, бош келишлик, бирлик семаларига ва бу семаларни ифодаловчи шаклларга эга бўлиши билан сўзга, морфологик бирликка айланади.

Кўринадики, **лексема** ва **сўз** тилнинг икки сатҳ бирлигини ифодалайди.

Гап ва унинг белгилари

Синтаксиснинг асосий бирлиги гапдир. Гап фикрни шакллантириш, ифодалаш ва баён қилишнинг асосий воситаси, муайян тилнинг қонун-қоидалари асосида шаклланган синтактик бирлигидир. Гапнинг асосий функционал белгиси коммуникативлик, яъни фикр ифодалаш ва баён қилиш вазифасидир. Тил кишилар ўртасида энг муҳим фикр ифодалаш воситаси экан, демак, тилнинг бу вазифасини юзага чиқарувчи асосий восита гап ҳисобланади. Сўз ҳам, сўз бирикмаси ҳам бу вазифани бажара олмайди. Уларнинг вазифаси нарса ва ҳодисалар, белги, ҳаракатларни номлаш, яъни номинатив вазифадир.

Гап термини умумлашган бирлик, моҳият сифатида тил бирлигини ҳам, реаллашган бирлик, ҳодиса сифатида нутқ бирлигини ҳам ифода этади.

Тил тузилишидаги ҳар бир сатҳ бирлиги тил (умумлашган бирлик) ва нутқ (аниқ бирлик) бирликларига бўлинганидек, синтактик сатҳнинг бирлиги бўлган гап ҳам тил ва нутқ бирликларига бўлиниши керак. Рус тилшунослигида бу икки ҳодиса икки хил термин билан номланади: тил бирлиги учун «модел», «структур схема» ёки «гап» (предложение), нутқ бирлиги, учун «жумла» (высказывание). Гап сатҳида тил ва нутқ ҳодисаларини

фарқлаш учун «гап» ёки «гап модели» (тил бирлиги) ва «жумла» (нутқ бирлиги) терминларидан фойдаланиш ўринли.

Гап ёки гап модели жумланинг типиклаштирилган грамматик шакли (О.М.Москальская), жумла эса унинг муайян вазият билан боғланган нутқий кўринишидир.

Гап модели аниқ саналиш ва тасвирланиш хусусиятига эга (ёпиқ рўйхатни ташкил қилади), жумланинг эса жуда кенг намоён бўлиш имконияти мавжуд.

Гап модели аниқ жумлалар гавдаланиши, жумла эса шу гап моделининг нутқда турлича намоён бўлишидир.

Гап модели яшаш шаклига кўра ижтимоий, жумла эса хусусий хусусиятга эга.

А.Фитрат эса ўтган асрнинг бошларидаёқ гапда муайян элементлар-нинг ўзаро боғланиши тўғрисида, гап ҳақида асосли фикрларни баён қилган эди: «Ўзингизни ўйласангиз, ҳайвонлардан бирини ўйласангиз, (отни), бизга у ҳайвон устига ерлашмоқ учун бўлгон тебранишингизни ўйласангиз, уч маънони ўйлаган бўлурсиз. Бу уч маънони бирлаштириб, бир-бирига боғлаб, ўзингизни отга минганингизни ўйлаганда, миянгизда бир «ўй» туққандир. Шу ўйни бир кишига билдирмоқчи бўлғоч, «Мен от миндим» деб кўясизким, бу айтқанингиз бир «гап»дир.

“Кўриладирким, юқоридаги ўйда уч маъно бўлгани каби у ўйни билдиргучи «гап»да ҳам уч сўз бор: -«Мен от миндим». Демак, сўз маъно билдирган товушлар тўдасидир”.¹

Гап қисмлари сўздан иборат бўлиб, сўзда гап мазмунининг маълум бир қисми акс этади. Шунини айтиш зарурки, гап доирасига киргунга қадар мустақил бўлган сўз нутқда (гапда) ҳар доим ҳам мустақил бирлик сифатидаги мавқеини оқлаши шарт эмас.

В.М.Солнцевнинг кўрсатишича, ҳар қандай тилда гап систем-структур қараш нуқтаи назардан системадир.¹

Бунинг сабаби шундаки, ҳар қандай гапда табиий равишда предикативлик мавжуд бўлади, унда эса майл, замон, шахс-сон ифода этувчи кўрсаткичлар шаклланади. Ана шу кўрсаткич (шакл)ларни ўзида жамлаган предикативлик ҳам система саналади ва маълум элементлар йиғиндисидан ташкил топади.

Предикативлик – гапни шакллантириш воситаси сифатида. Гап бошқа синтактик бирликлардан предикативлик белгиси орқали фарқланади. Гапни коммуникатив бирлик сифатида шакллантирувчи восита предикативликдир. Масалан: *Ўрик гуллади* ва *ўрикнинг гуллаши* қурилмаларининг ахборот ҳажми бир хил. Улар фақат шу объектив мазмунни қандай ифодалашни жиҳатдан фарқ қилади. биринчисида предикативлик бор, иккинчисида йўқ.

Предикативлик гапнинг грамматик маъноси. У гапнинг шакллар системасидаги қисмларга ажралмайдиган грамматик маънодир. (Н.Ю.Шведова).

Предикатив шахс (сон), замон, майл, тасдиқ-инкор маънолари ва бу бу маъноларни ифодаловчи шакллар йиғиндисидан ташкил топади. Демак, шундай грамматик маънога ва уни ифодаловчи шакллар системасига эга бўлган ҳар қандай энг кичик синтактик бирлик гап ҳисобланади.

Предикативликнинг шаклланиши хилма-хил:

1) ҳар бир предикатив маъно компоненти (тасдиқ-инкорлик, шахс, замон, модаллик) алоҳида-алоҳида шакллар орқали ифодаланади. Масалан: *ёз+ма+са (й) +ди+нг+из* қурилмасига бешта предикатив маъно компоненти бешта грамматик шакл орқали ифодаланган – ма (инкорлик), -са (модаллик), -ди (замон), -нг (шахс), -из (сон).

2) бир формант ёрдамида синтезлашган ҳолда ифодаланиши мумкин. Масалан: *ёз+ай* (тасдиқ, аниқлик майли, келаси замон, I шахс), *талабаман* (тасдиқ, аниқлик майли, ҳозирги замон, I шахс) ва б.

¹ Фитрат А. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Сарф. Китоб I. -Самарканд-Тошкент: Ўздавнашр. 1930. -Б: 9-10 (лотин ёзувида).

¹ Солнцев В.М. Грамматическая структура актуальное членения предложения (вместо предисловия). -Сб; “Восточное языкознание. Грамматическое и актуальное членение предложения”. -М., -1984. -С. 7.

3) нол шаклга эга бўлиб, у парадигма ичида бошқа парадигма аъзоларининг шаклига қиёсан белгиланади. Масалан: ёз+ай, -ёз, ёз+син. Парадигманинг иккинчи аъзоси ёз-нинг иккинчи шахс, буйруқ майли (модаллик), келаси замон, тасдиқ грамматик маъноларининг нол шакл орқали ифодаланганлиги ёз+ай ва ёз+син бирикмаларига қиёсан белгиланади;

4) нол шаклга эга бўлиб, у нутқ вазияти орқали белгиланади. Масалан: *Баҳор*. Бу сўз ўзининг шакл парадигмасида бош шакл сифатида номинатив бирлик, гап эмас. Парадигмадан ташқарида предметнинг умумлашган номини аташ йўли билан шахс, сон, замон, тасдиқ (мавжудлик) маъноларининг ифодаланиши уни гапга айлантиради.

Хуллас, предикативлик гапнинг асосий грамматик категорияси бўлиб, у тасдиқ, инкор, модаллик (майл), замон, шахс, сон категориялари синтезидан иборат.

Ҳозирги синтактик назарияларда гапнинг бошқа тил бирликларидан асосий фарқи, яъни гапни гап қилиб турган асосий белги предикативлик эканлиги тан олинса ҳам, лекин предикативлик ҳодисасига ёндашув бир хил эмас. Бу ҳодисанинг моҳиятига, унинг тузилишига нисбатан икки хил қараш мавжуд. Биринчи нуқтаи назардан, гапнинг бош бўлаклари – эга ва кесим ўртасидаги муносабат предикативлик (предикатив муносабат) ҳисобланади. Предикативликка бундай қараш тилшунослик таъсирида вужудга келди. Бу тилшунослик тарихида мантиқий оқим, дейилади. Мантиқий оқимнинг қарашларига кўра, ҳар бир гап маълум бир ҳукмни ифодалайди. Предикация фақат ҳукм асосинигина эмас, балки гап асосини ҳам ташкил қилади.

Анъанавий мантиқ ҳукмнинг атрибутив характерида келиб чиқади. Бунга кўра, ҳукм тузилиши доимо субъект (S) ва предикатдан (P) ташкил топади. Предикат субъектнинг белгисини билдиради. Шунга мувофиқ, ҳукм элементлари – субъект (предикат ҳақидаги тушунча) ва предикат (белги ҳақидаги тушунча)га анология йўли билан грамматик эга ва кесим гапнинг асоси деб қаралди. Эга ва кесимдан бири иштирок этмаган гаплар гап доирасига киритилмади.

Предикативликка мантиқий нуқтаи назардан ёндошишга машҳур рус тилшуноси В.В.Виноградов биринчи марта чек қўйди. У предикативликни фақат гап бўлаклари ўртасидаги предикатив алоқа билан боғлиқ эмаслигини, бу ҳодиса айрим бўлақларга бўлинмай, бутун бир гапга хос эканлигини кўрсатади. *Жим! Иссиқ*. типидagi синтактик курилмаларда ҳам предикативлик мавжудлигини, бундай гапларда у модаллик, замон ва шахс синтактик категориялари орқали ифодаланишни кўрсатади. Н.Ю.Шведова предикативлик ҳар бир гапда мавжуд бўлишини ва у гапнинг грамматик маъноси эканлигини таъкидлайди.

Шундай қилиб, предикативликка мантиқий нуқтаи назардан ёндашишдан грамматик нуқтаи назардан ёндашишга ўтилди, яъни предикативликка иккинчи нуқтаи назар вужудга келди. Буни қуйидаги мисолда кўрсатиш мумкин: *Қуёш чиқди* гапида биринчи (анъанавий) қараш нуқтаи назаридан предикативлик сўз шаклининг (қуёш ва чиқди) ўзаро муносабатидан иборат. Иккинчи нуқтаи назарга кўра эса у икки сўз шаклининг ўзаро муносабатидан эмас, балки юқоридаги гап таркибида иштирок этган грамматик категориялар: аниқлик майли, ўтган замон, III шахс грамматик шакллари орқали ифодаланган.

Хулоса

Шу кунга қадар тилшуносликда тил бирликларини деярли барча тилшунослар эътироф этса ҳам, лекин қайси бирликлар тил бирликлари ҳисобланиши юзасидан турлитуман фикрлар юритилади.

Хусусан, Америка дескриптив тилшунослигида тил бирликлари сифатида фонема, морфема ва конструкциялар эътироф этилади.¹ Морфема атамасисўзнинг қисмлари(ўзак ва қўшимчани) ҳам маъноли қисмларга бўлинмайдиган мустақил сўзларни ҳам, ёрдамчи сўзларни ҳам қамраб олади.²

Фонема тилнинг ифода системасининг минимал бирлиги, морфема эса тилнинг ифода системасининг маъно билан боғланган асосий бирлиги сифатида баҳоланади. Уларнинг фикрича, тилнинг қолган бирликлари морфемалар қўшилиувидан (аранжировкасидан) ҳосил бўлади. Шунинг учун улар тил сатҳида қўшилиш моделларига эга бўлади. Ана шу қўшилиш моделлари конструкция ҳисобланади.

Бошқа тилшунослар эса фонема, морфема, лексема, сўз ва гап (гапнинг структур схемалари)ларни тил бирликлари қаторига қўшадилар ва тил бирликларини икки гуруҳга ажратадилар: а) тилнинг асосий бирликлари (фонема, морфема), б) тилнинг конструктив бирликлари (сўз, гап).

Ш.Раҳматуллаев тил бирликлари юзасидан баён қилинган фикрларга ўзининг муносабатини билдирган ҳолда, фонема, лексема, морфема, лексемашакл, бирикма шакл (сўз бирикмаси қолипи), гап шакл (гап қолипи), фраземаларни ажратади. Булардан фонема тил бирликларининг қурилиш бирлиги, лексема ва морфема тилнинг бирламчи (асосий) бирликлари, лексемашакл, бирикма шакл, гап шакл (тузма) бирликлар, фразема эса йирик тил бирлиги ҳисобланади. Муаллиф фонемани тил бирлигининг ифода жиҳати бўлиб келувчи ва шу жиҳати билан тил бирликларини ўзаро фарқлашга хизмат қилувчи бирлик сифатида тушунилади. Ш.Раҳматуллаевнинг бу бирликларни ажратиши учун тил сатҳлари асос бўлади. Муаллиф *лексема* атамаси остида лексик маъно ифодаловчи морфемани, *морфема* атамаси остида эса фақат грамматик маъно ифодаловчи ва сўз ясовчи морфемаларни тушунади.³ *Морфема* атамасини ана шундай тор маънода қўллашни А.Мартине ҳам таклиф қилган эди⁴.

Ҳар қандай тил бирлиги нутқ жараёнида бир қанча нутқ бирликлари (вариантлар) орқали намоён бўлади: фонема фонлар (аллофон, товуш) орқали, лексема лекс (аллолекс, лексема варианты), морфема морф (алломорф, морфема варианты), сўз сўз шакли, гап жумла, аллофразема орқали намоён бўлади.

¹ Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. М., 1959, с. 40-43. Яна қаранг. Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1993, 12-б.

² Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. Тошкент. “Университет” 2002, 16-б.

³ Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. Тошкент, 2002, 16-бет.

⁴ Мартине А. Основы общей лингвистики. Новое в лингвистике. Ш, М., 1969, с.379.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. Тошкент.: Ўқитувчи. 1992.
2. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент: Фан, 1985.
3. Бенвенист Э. Общая лингвистика. -М., 1974.
4. Васильев Л.М. Современная лингвистическая семантика. М.: ВШ, 1990.
5. Гардинер А. Различие между «речью» и «языком». – Звегинцев В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Ч.II. -М., 1960, с. 19.
6. Мирзакулов Т. Ўзбек тили морфемикасининг асосий аспектлари ва уларнинг муносабатлари. Хўжанд.1993
7. Новиков Л.А. Семантика русского языка. М.: ВШ, 1982
8. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. Андижон. 2006..
9. Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. Т. «Ўқитувчи», 1990
10. Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. Тошкент, 2002.
11. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. -М.,1971.
12. Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: Фан, 1981.
13. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида сўз ясалиши. Тошкент.: «Ўқитувчи». 1989.3.